

2-10-2020

REFORMING THE ACCUMULATIVE PENSION SYSTEM BASED ON FOREIGN EXPERIENCE

Sh. A. Yusupov

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan, author@ferpi.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/ferpi>

Recommended Citation

Yusupov, Sh. A. (2020) "REFORMING THE ACCUMULATIVE PENSION SYSTEM BASED ON FOREIGN EXPERIENCE," *Scientific-technical journal*: Vol. 24 : Iss. 2 , Article 14.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/ferpi/vol24/iss2/14>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific-technical journal by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

SOCIAL AND ECONOMIC SCIENCES

REFORMING THE ACCUMULATIVE PENSION SYSTEM BASED ON FOREIGN EXPERIENCE

Sh.A.Yusupov

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

РЕФОРМИРОВАНИЕ НАКОПИТЕЛЬНОЙ ПЕНСИОННОЙ СИСТЕМЫ НА ОСНОВЕ ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА

Ш.А. Юсупов

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА ЖАМҒАРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ

Ш.А. Юсупов

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Abstract. This article outlines the prospects for the development of the cumulative pension subsystem of Uzbekistan, using the experience of developed foreign countries.

Keywords: size of pensions, replacement rate, retirement age, average life expectancy after retirement, pension contributions, refinancing rate, funded pension income, amount of supplementary pension.

Аннотация. Мазкур мақолада ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда Ўзбекистон пенсия таъминоти тизимида жамғарилувчи пенсия қуйи тизимини такомиллаштириши истиқболлари тавсия этилган.

Таянч сўзлар: пенсия миқдори, қоплаш коэффициенти, пенсияга чиқиш ёши, пенсияга чиққандан кейинги ўртача умр кўриши давомийлиги, суғурта бадалли, қайта молиялаш ставкаси, жамғарилувчи пенсия даромади, қўшимча пенсия миқдори.

Аннотация. В данной статье предложены перспективы совершенствования накопительной пенсионной подсистемы Узбекистана, используя опыт развитых зарубежных стран.

Ключевые слова: размер пенсий, коэффициент замещения, возраст выхода на пенсию, средняя продолжительность жизни после выхода на пенсию, страховой взнос, ставка рефинансирования, доход накопительной пенсии, размер дополнительной пенсии.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда амал қилаётган давлат тақсимловчи пенсия тизими аҳолининг пенсия таъминоти бўйича ўсиб бораётган эҳтиёжлари учун яқин келажакда етарли бўлмай қолади. Давлат давлатнинг тақсимловчи тизимига параллел равишда мажбурий жамғарилувчи пенсия суғуртаси ва кўнгилли жамғарилувчи пенсия суғуртаси тизимларини ҳам ривожлантириб бориш зарур. Бу миллий пенсия таъминоти тизимининг самарадорлиги ва барқарорлигини оширишга, пенсионерларнинг муносиб турмуш тарзини таъминлашга хизмат қилади.

Бабаев ва бошқалар (2015) Ўзбекистонда пенсия ёшидаги фуқароларнинг даромади авлодлар бирдамлиги тамойилига асосланган давлат пенсияларига боғлиқ бўлиб қолмоқда, иккинчи – жамғарилиб боришувчи қуйи тизим эса жуда ҳам пассив фаолият олиб бормоқда. Жамғарилувчи тизимга ўтказиладиган маблағлар Халқ банкида очилган шахсий ҳисоб-рақамларда жамланади. 2019 йилга қадар фуқаро иш ҳақининг 2% и миқдорда жамғариб боришувчи пенсия тизимига маблағ ўтказиладиган эди, жамғарилган пенсия бадаллари маблағларидан Халқ банки ижтимоий йўналишдаги инвестицияларда молиявий ресурс сифатида фойдаланиб, жамғарманинг сезиларли даромадлигини таъминлай олмади.

SOCIAL AND ECONOMIC SCIENCES

Жамғармадаги шахсий ҳисоб рақамидаги бадаллар эвазига йиғилган маблағни фуқаро фақат пенсия ёшига етганида, вафот этганида ёки доимий яшаш учун республика ҳудудидан ташқарига чиқиб кетганида олиши мумкинлиги белгиланган эди. Мазкур тизим ўзини оқламаётганлиги сабабли, жамғарилувчи пенсиянинг ойлик бадали миқдори 2019 йил 1 январдан бошлаб 0,1% гача камайтирилиб, амалда иқтисодий аҳамиятини янада йўқотиб, статистик ҳисоблар учун қадрли бўлиб қолди.

Allianz Pension Sustainability Index (2014) маълумотларига таяниб, хорижий мамлакатлар, жумладан, Япониянинг пенсия тизимини ўрганиш асосида тақсимловчи тизим устивор ҳисобланган мамлакат пенсия тизимида ҳам иккинчи унсурни фаол ривожлантириши керак деган хулосага келдик. Негаки, ижтимоий адолат принципи пенсия таъминоти тизимларини ташкил этишнинг асосий принципларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари ҳар бир фуқаро пенсияга чиққанидан кейин пенсияга чиққунига қадар олган даромадини маълум қисмини пенсия тўлови шаклида олиши керак. Лекин ҳозирги кунда мамлакатимизда ўз меҳнат фаолиятида ишлаб топган даромадлари орасидаги фарқ катта бўлишига қарамасдан, пенсионерларнинг пенсия миқдорлари орасидаги тафовут унча катта эмас. Бу эса ижтимоий адолатнинг етарли даражада таъминланмаётганлигини билдиради.

Мен ушбу тадқиқотим орқали бу каби муаммоларни ҳал этиш учун мамлакатимиз пенсия тизимида жамғарилувчи қуйи тизимни қайтадан ривожлантириш керак деган таклифни илгари сурмоқдаман. Бунда энг асосий эътибор молия бозорларига қаратилади. Яъни жамғарилган маблағлардан инвестицион ресурс сифатида фойдаланилган ҳолда даромадларни ошириш ва суғурта бадали тўловчиларнинг даромадларига фоиз кўринишида даромад кўшиб борилиши мумкин бўлади. Бундан ташқари ушбу тизим фаолиятининг давлат томонидан бошқарилиши ва амалга оширилиши молиявий рискни нисбатан камайтиради. Мисол учун, пенсия жамғармаси ёки молия вазирлиги ҳузурида фуқароларнинг жамғарилувчи пенсия тизими билан боғлиқ Фонд ташкил этиш ва ушбу фонд орқали жамғарилган маблағларни тижорат банкларига кредит ресурси сифатида бериш ёки давлат улуши бор корхоналар акцияларини ушбу фонд маблағлари ҳисобидан сотиб олиш мумкин. Натижада, фонд даромадларини янада ошириш ва бадал тўловчиларнинг жамғармаларига фоиз кўринишида даромад кўшилади. Бу эса бўлажак пенсионерларнинг келажакдаги ижтимоий рискинни камайтириши ва энг асосийси, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун улкан молиявий ресурс шаклланишига хизмат қилади.

Юқоридаги таклифларнинг исботи сифатида жамғариб борилувчи пенсия тизимини Ўзбекистонда қайтадан ривожлантириш қай даражада самара келтиришини баҳолаш учун жараёни математик моделлаштириш ва истиқболли ҳисоб-китобларни амалга ошириш керак бўлди. Прогноз ҳисобларини амалга оширишда аҳолининг ўртача пенсия ёши, ўртача иш ҳақи миқдори, ўртача ёшга доир пенсия миқдори, ўртача умр кўриш давомийлиги, пенсия давридаги ўртача умр кўриш давомийлиги каби кўрсаткичларни ўзаро боғлиқлиги инобатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Кўмитасининг маълумотларига кўра, 2018 йилнинг якуни бўйича мамлакат аҳолисининг номинал ўртача даромади 1 822,2 минг сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 25% га ўсган. Мамлакатимизда ҳозирги кундаги аёллар ва эркекларнинг ўртача пенсия ёши 57,5 ёшни ташкил қилмоқда. Демак, фуқаронинг жамғарилувчи даромадини ҳисоблайдиган бўлсак, фуқаро пенсия ёшига етгунига қадар ўртача камида 30 йил маблағ жамғариши мумкинлигини назарда тутишимиз керак. Бунда жамғариб борилувчи пенсия тизимларининг инвестицион аҳамиятини инобатга олган ҳолда фоиз кўринишидаги даромадларни ҳам кўшиб бориш зарур бўлади. Шунинг учун шартли фоиз кўринишидаги даромадни ҳозирги кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдоридан, яъни йиллик 16% сифатида белгилаб олдик. Бундан ташқари суғурта бадаллар фоизини ўртача ҳар ойига 2% даражасида, аниқроқ айтадиган бўлсак, дастлабки ўн йилда ойликка нисбатан 1 фоиздан, кейинги ўн йилда 2 фоиздан ва сўнги ўн йилда 3 фоиздан қилиб белгилаб олинди. Фоизлар

SOCIAL AND ECONOMIC SCIENCES

жамғаришнинг турли даврларида турлича белгиланишининг сабаби шундаки, фуқаро ёшроқ пайтида ўзининг пенсия даври ҳақида унчалик қайғурмайди, лекин ёши улғайиб боргани сари пенсия миқдори ҳақида кўпроқ ўйлашни бошлайди. Шу сабабли бадал миқдорини ҳар ўн йилликда 1 фоиздан ошириб боришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Демак, ишловчи фуқаронинг ўртача ойлик иш ҳақи санок бошида, яъни 2019 йил 1 январ ҳолатига 1 822,2 минг бўлиб, ҳар йили ўртача 25% га ошиб бориши, қайта молиялаш ставкаси – йиллик 16% фоиз миқдорида даромад кўшишилиши ҳисобга олинса, 30 йил давомида қанча пенсия суғуртаси маблағи жамғарилиши мумкинлигини ҳисоблаб кўрамиз (1-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, битта ишловчи фуқаро 30 йил давомида шахсий жамғармасида ўртача 4 998 762,4 минг сўм маблағ жамғариши мумкин. Бунда жамғарманинг 2 034 739,6 минг сўм қисми фуқаро томонидан ўтказиб борилган соф бадаллар, қолган 2 964 022,9 минг сўми эса жамғарилган маблағга йиллик 16% кўшиб ҳисобланган фоиз кўринишидаги даромадлардир.

1-жадвал

Битта шахснинг 30 йил давомида шахсий ҳисоб –рақамида жамғариши мумкин бўлган маблағи ҳисоби, минг сўмда.

Йиллар	Ўртача ойлик иш ҳақи	Ўртача йиллик иш ҳақи $C=B*12$	Ойликка нисбатан бадал фоизи	Бир йиллик бадал миқдори $F=C*E/100$	Ҳар йил охирига жамғарилган маблағ миқдори (ҳисобланган фоизи билан)
А	В	С	Е	Ғ	Н
1	1 822,2	21 866,4	1	218,7	253,7
2	2 277,8	27 333,0	1	273,3	611,3
3	2 847,2	34 166,3	1	341,7	1 105,4
4	3 559,0	42 707,8	1	427,1	1 777,7
5	4 448,7	53 384,8	1	533,8	2 681,4
6	5 560,9	66 731,0	1	667,3	3 884,5
7	6 951,1	83 413,7	1	834,1	5 473,6
8	8 688,9	104 267,1	1	1 042,7	7 558,9
9	10 861,2	130 333,9	1	1 303,3	10 280,2
10	13 576,4	162 917,4	1	1 629,2	13 814,9
...
20	126 440,5	1 517 286,3	2	30 345,7	318 265,9
...
30	1 177 569,2	14 130 829,8	3	423 924,9	4 998 762,4
Жами жамғарилган бадаллар				2034739,5	

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистонда аёллар ва эркаклар учун ўртача пенсия ёши 57,5 ёшни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотида асосан Ўзбекистондаги ўртача пенсия ёши 73,5 ёшдан иборат. Демак, мамлакатимиздаги ўртача пенсия олиш давомийлиги 16 йилни ташкил этади.

Биз жамғарма маблағлари сарфланишини таҳлил қилишда ўртача пенсия миқдорининг 30 йилдан сўнг қандай миқдорда бўлиши ҳамда 16 йил пенсия олганидан сўнг унинг пенсияси қанча миқдорга етишини ҳам прогноз қилиб кўришимиз керак бўлади (2-жадвал). Жадвалдан кўриниб турибдики, шахсий ҳисоб-рақамидаги 30 йил давомида

SOCIAL AND ECONOMIC SCIENCES

жамғарилган маблағни фукарога ҳар ойлик қўшимча пенсия тўлови сифатида 16 йил мобайнида йиллик 16% фаромад билан қайтариб берилади.

2-жадвал

Жамғарилувчи пенсия тизими томонидан пенсионерга тўланадиган қўшимча пенсия ҳисоби, минг сўмда.

Йил	ойлар	Шахсий ҳисобдаги қолдиқ маблағ миқдори	Қолдиқ маблағ танидан қайтариладиган маблағ	Жамғарм анинг даромад фоизи	Фоиш кўринишидаги қўшимча даромад миқдори	Жами ойлик қўшимча пенсия тўлови
A	B	C	D	E	F	G
1	1-12	4 712 375,0	312 422,7	16	776 891,0	1 089 313,6
2	1-12	4 399 952,4	312 422,7	16	726 903,4	1 039 326,0
3	1-12	4 087 529,7	312 422,7	16	676 915,7	989 338,4
4	1-12	3 775 107,1	312 422,7	16	626 928,1	939 350,8
5	1-12	3 462 684,4	312 422,7	16	576 940,5	889 363,2
6	1-12	3 150 261,7	312 422,7	16	526 952,9	839 375,5
7	1-12	2 837 839,1	312 422,7	16	476 965,2	789 387,9
8	1-12	2 525 416,4	312 422,7	16	426 977,6	739 400,3
9	1-12	2 212 993,8	312 422,7	16	376 990,0	689 412,7
10	1-12	1 900 571,1	312 422,7	16	327 002,4	639 425,0
11	1-12	1 588 148,5	312 422,7	16	277 014,8	589 437,4
12	1-12	1 275 725,8	312 422,7	16	227 027,1	539 449,8
13	1-12	963 303,2	312 422,7	16	177 039,5	489 462,2
14	1-12	650 880,5	312 422,7	16	127 051,9	439 474,5
15	1-12	338 457,9	312 422,7	16	77 064,3	389 486,9
16	1-12	26 035,2	312 422,7	16	27 076,6	339 499,3


3-жадвал.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия миқдорининг фукаро қариганда оладиган асосий пенсиясига нисбати, минг сўмда.

Йиллар	Ўртача ойлик ёшга доир пенсия миқдори (йиллик ўсиш- 15,1%)	Ўртача йиллик ёшга доир пенсия миқдори (C=B*12)	Жами йиллик қўшимча пенсия тўлови	Асосий пенсияга нисбатан фоишда (E=D/C)	Фукаронинг жами йиллик пенсия миқдори (F=C+D)
A	B	C	D	E	F
1	627,88	7 534,61	-	-	-
10	2 226,16	26 713,98	-	-	-
20	9 084,70	109 016,39	-	-	-
30	37 073,52	444 882,22	1 089 313,65	2,45	1 534 195,87
31	42 671,62	512 059,43	1 039 326,02	2,03	1 551 385,46
32	49 115,03	589 380,41	989 338,40	1,68	1 578 718,81
33	56 531,40	678 376,85	939 350,78	1,38	1 617 727,62
34	65 067,65	780 811,75	889 363,15	1,14	1 670 174,90
35	74 892,86	898 714,33	839 375,53	0,93	1 738 089,85
36	86 201,68	1 034 420,19	789 387,90	0,76	1 823 808,09
37	99 218,14	1 190 617,64	739 400,28	0,62	1 930 017,92
38	114 200,08	1 370 400,90	689 412,65	0,50	2 059 813,56
39	131 444,29	1 577 331,44	639 425,03	0,41	2 216 756,47
40	151 292,37	1 815 508,49	589 437,40	0,32	2 404 945,89
41	174 137,52	2 089 650,27	539 449,78	0,26	2 629 100,05
42	200 432,29	2 405 187,46	489 462,16	0,20	2 894 649,62
43	230 697,56	2 768 370,77	439 474,53	0,16	3 207 845,30
44	265 532,90	3 186 394,75	389 486,91	0,12	3 575 881,66
45	305 628,36	3 667 540,36	339 499,28	0,09	4 007 039,64

SOCIAL AND ECONOMIC SCIENCES

Ҳозирги кунда Пенсия жамғармаси ҳисоботларида асосан ўртача ойлик ёшга доир пенсиялар миқдори 627,89 минг сўмни ташкил қилмоқда ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 15,1% га ошган, ушбу пенсиялар 10, 20, 30, 40 ва 45 йилдан кейин қанча миқдорга етишини баҳолаймиз (3-жадвал).



1-расм. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия миқдорининг фуқаро қариганда оладиган асосий пенсиясига нисбати, минг сўмда.

Фуқаро 30 йил мобайнида шахсий жамғариб бориловчи пенсия фондига иш ҳақининг ўртача 2% миқдориди маблағ ўтказиб борса, пенсия даврининг дастлабки йилида йиллик асосий пенсиясини 2,45 мартага, шартли сўнги йилида эса 9% га оширишни таъминлайди (1-расм).

Хулоса. Мамлакатимизда жамғариладиган пенсия қуйи тизимини биз тавсия этган тартибда параметрик ислох қилиниши, пенсия жамғармаларини инвестиция фаолиятига жалб этилиши, молия бозорида эркин рақобат муҳитини таъминланиши, шу йўл билан пенсия тизимларининг инвестиция фаолиятдан даромад олиш механизмини йўлга қўйилиши ижтимоий-иқтисодий долзарб масалага айланди. Унинг самарали ҳал этилиши пенсионерларнинг ижтимоий рискин камайтиришга ва энг асосийси, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун улкан молиявий ресурс шаклланишига хизмат қилади.

References

- [1]. Babaev S., Ganiev O., Mansurov SH., Xujayev Z., Yusupov Yu. «Analiz finansovoy ustoychivosti pensionnoy sistemi Uzbekistana: tekuchee sostoyanie i perspektivi», 2015.
- [2]. Pension Sustainability Index, Allianz International Pension Papers 1/2014,2014.P.19. https://www.allianz.com/v_1396002521000/media/press/document/other/2014_PSI_ES_final.pdf.

Адабиётлар

- [1]. Бабаев С., Ганиев О., Мансуров Ш., Хужаев З., Юсупов Ю. «Анализ финансовой устойчивости пенсионной системы Узбекистана: текущее состояние и перспективы», 2015.
- [2]. Pension Sustainability Index, Allianz International Pension Papers 1/2014,2014.P.19. https://www.allianz.com/v_1396002521000/media/press/document/other/2014_PSI_ES_final.pdf.